



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ИНСПЕКТОРИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг  
2020 йил 24 февралдаги “Италия, Жанубий Корея ва Эрон Ислом  
Республикасида давлат ветеринария хизмати назорати остидаги  
товарларни импорт қилишни вақтинча чеклаш тўғрисида” 3-сон  
қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Мамлакатимиз ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Ветеринария тўғрисида” Қонунининг 24-моддаси ва “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида” Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг 2020 йил 24 февралдаги “Италия, Жанубий Корея ва Эрон Ислом Республикасида давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишни вақтинча чеклаш тўғрисида” 3-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Италия, Жанубий Корея ва Эрон Ислом Республикаларидан барча турдаги давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга нисбатан рухсатнома ва ветеринария сертификатлари (гувоҳномалари) расмийлаштирилиши 2020 йил 26 февралдан тўхтатилсин (қарор эълон қилингунга қадар ветеринария ҳужжатлари расмийлаштирилиб, ортилган ва йўлга чиққан товарлар бундан мустасно)”.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосари А. Акбаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош давлат ветеринария инспектори



Б.Норқобилов

Тошкент ш.,  
2020 йил “13” 03  
6-сон